

8. Независимые от углеводородов: 10 страны, которые уже перешли на зеленую энергию. <https://hightech.fm/2019/07/19/10-green-energy> (дата обр. 01.05.2023)
9. Сидорович В. Мировая энергетическая революция. Как возобновляемые источники энергии изменят наш мир. Издательство Альпина Паблишер, 2019.
10. Глазырина И. П. Тернистый путь к «зеленой» экономике. ЭКО,50(9):8-23 (2020). <http://dx.doi.org/10.30680/ECO0131-7652-2020-9-8-23>.
11. Кирюшин П.А. Факторы экологически устойчивого развития и "зеленой" экономики в России // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика. 2019. №1. С. 122–138.
12. Порфириев Б. Н. "Зеленый" фактор экономического роста в мире и России // Проблемы прогнозирования. 2018. № 5 (170). С. 3–12.

ТИКУВ-ТРИКОТАЖ КОРХОНАЛАРИ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a39

*Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази докторанти*

Аннотация. Мақолада тикув-трикотаж корхоналарида асосий бизнес-жараёнлар натижадорлигини оширишда унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг ўрни масалалари ўрганилган.

Таянч сўзлар: тикув-трикотаж корхонаси, механизм, иқтисодий механизм, бизнес-жараён, такомиллаштириш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

*Худайбердиев Равшан Уктаимжонович -
Докторант Научно-исследовательского центра
“Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана” при Ташкентском
государственном экономическом университете*

Аннотация. В статье рассматривается роль совершенствования его организационно-экономических механизмов в повышении эффективности основных бизнес-процессов на швейно-трикотажных предприятиях.

Ключевые слова: швейно-трикотажное предприятие, механизм, экономический механизм, бизнес-процесс, совершенствование.

IMPROVEMENT OF ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS OF BUSINESS PROCESSES OF SEWING AND KNITTING ENTERPRISES

*Xudayberdiev Ravshan Uktamjonovich -
A Doctoral student of the scientific research center
“Scientific bases and problems of the development of
Uzbekistan’s economy” under TSUE*

Annotation. The article examines the role of improvement of its organizational and economic mechanisms in increasing the effectiveness of the main business processes in sewing and knitting enterprises.

Key words: sewing and knitting enterprise, mechanism, economic mechanism, business process, improvement.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда тўқимачилик саноатининг ўрни бекиёс бўлиб, ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича республикамизда тарихий бой тажриба тўпланган ва етарлича шароит ҳамда хомашё базаси ва меҳнат ресурслари мавжуд. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» вазифаси белгиланган [1]. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини тъминлаш республикамиз тикув-трикотаж корхоналари бизнес-жараёнларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётда «механизм» атамасининг қўлланилиши ҳаракат тавсифи ва режимини, турли вазифалар бажарадиган муайян функцияларнинг

кетма-кетлигини, тизим элементларининг ўзаро муносабатини ва ҳоказоларни таъкидлаш зарурати билан боғлиқдир. Ушбу атама мазмунини очиб беришда иқтисодчилар томонидан турли хил ёндашувлар амалга оширилган. Хусусан, А.Е.Карлика, М.Л.Шухгальтер уни хўжалик механизми сифатида талқин этиб, «хўжалик механизми ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг таркибий қисмларини бошқаришнинг ўзаро боғлиқ, ўзаро асосланган шакл ва усуллари тизимиdir», – деб таъриф берганлар [2].

Б.А.Райзбергнинг “Замонавий иқтисодий луғати”да ҳам ушбу атамага қўйидагича, «механизм ишлаб чиқариш муносабатлари (режалаштириш, регламент, стандартлар, нарх, фойда ва шу кабилар) намоён бўлишининг ўзига хос объектив шакли вазифасини бажаради ва шу билан бирга, бошқарувнинг маълум бир усулини ифодалайди», – деган таъриф келтирилган [3].

Иқтисодий фаолиятнинг мураккаб тузилишини ҳисобга олган ҳолда, О.В.Деревянко хўжалик механизмининг кўп даражали тузилиши ҳақида хулоса чиқариб, умуман, миллий иқтисодиётнинг хўжалик механизми (макроиқтисодий даража) ва бизнес субъектларининг хўжалик механизми (микроиқтисодий даража) даражасини таъкидлайди [4].

Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева эса механизмни «жараёнлар, ташкилий тузилмалар, бошқарувнинг ўзига хос шакллари ва усуллари, шунингдек, муайян шароитларда фаолият юритувчи иқтисодий қонунларни амалга ошириш учун қўлланиладиган ҳукуқий меъёрлар, такорор ишлаб чиқариш жараёни» сифатида талқин этишади[5]. Бу талқин «механизм» тушунчасининг иқтисодий тизим хусусиятларини беради.

Р.Исаев томонидан эса тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган комплекс тизимли стратегияни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [6].

Айrim тадқиқотчилар ушбу тушунча мөҳиятини очиб беришда уни элементлар тўплами сифатида кўриб чиқишини таклиф этганлар. Хусусан, Е.Н.Кучерова фикрича, механизм «... тизимнинг ўзаро боғлиқ элементлари тўплами, унинг ишланини таъминлайди ва маълум иқтисодий натижаларга олиб келади» [7].

Шунингдек, бошқа тадқиқотларда механизмни ресурслар тўплами сифатида кўриб чиқиши foяси илгари сурилган. А.Ю.Чаленконинг таъкидлашича, «... механизм жараённи ресурс билан таъминлаш, унинг моддий қисми, жараён функциясини бажариш учун «созланган» ўзаро боғлиқ элементлар тўпламини ўз ичига олади» [8].

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби

ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳдил ва натижалар. Иқтисодий механизм иқтисодий усуллар ёрдамида субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини амалга оширишни қўллаб-қувватловчи, улар ўзаро ҳаракатланиши қизиқишлиарини таъминловчи муносабатлар, шакллар, усуллар ва воситиларни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий механизм корхона фаолиятида қуйидаги иккита гурӯҳ муносабатларни тартибга солади:

- корхона, шунингдек, корхона билан давлат ўртасидаги;
- корхона ва давлат ўртасидаги бир томондан, икинчи томондан эса корхона ва унинг аъзолари ўртасидаги.

Ушбу муносабатларни тартиблаштириш амалга ошириладиган шакллар, воситалар ва усулларни қуйидагича гурӯхлаш мумкин:

- иқтисодий субъектлар мақомини, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини аниқловчи умумий қоида ва меъёрлар;

- нарх белгилаш тизими;
- молиявий тизим;
- кредитлаш тизими;
- божхона тизими.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланниб, тикув-трикотаж корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда, мазкур хўжалик тизимида бизнес жараёнлари ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масаласини қўйидагича ифода этишни тавсия қиласиз (1-расм).

Тикув-трикотаж корхоналарида ички бизнес жараёнлари самарадорлигини бошқаришда таклиф этилган тизим ва усулларни амалиётга жорий этишнинг самарадорлигини оширишда назорат ва тартиблаштириш вазифаларининг ягона тизимини яратиш талаб этилади. Назорат механизми ёрдамида тикув-трикотаж корхоналари барқарор ривожида бизнес жараёнлар тақомиллаштиришнинг истиқболий имкониятларини ва хавф-хатарларини аниқлаш мумкин бўлади.

Тўқимачилик корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини бошқаришда баланслаштирилган кўрсаткичларини қўллаган ҳолда замонавий бошқарув тизимларини амалиётга қўллашда назорат механизмини амалга ошириш учун BPM (Business Performance Management) тизимини қўллашни таклиф этамиз.

Тўқимачилик саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини бошқаришни мониторинг қилишни қўйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин: мониторингни олиб боришни ташкил этиш; мониторинг жараёнида бизнес-жараённи ташкил этиш фаолиятига оид

маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш; натижалар асосида муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этиш йўлларини излаб топиш.

Мониторинг тизими ўрганилаётган объект фаолияти учун барча статистик маълумотлар ўртасидан таҳлил учун энг муҳимларини

ажратиб олиш имкониятини беради. Мониторинг тизимига киритилган муввафқиятли танлаб олинган кўрсаткичлар стандарт мезонларни ўз ичига олиши, шу жумладан, вақт омилида кўрсаткичлар хатти-ҳаракати моделига асосланганларини танлаб олиш зарур бўлади.

Тикув-трикотаж корхоналари бизнес жараёнлари ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жиҳатлари

Ташкилий механизмни такомиллаштириш бўйича

Бизнес жараёнларини танлашда замонавий тизим ва усусларни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш бўйича комиссияни шакллантириш

Комиссия томонидан бизнес жараёнларини ташкил этишга тегишли меъёрий хужожатларни ишлаб чиқиши

Корхона ходимларига бизнес жараёнларни ташкил этиш бўйича консалтинг-маслаҳат хизматларини, семинар-тренингларни ташкил этиш

Ишлаб чиқилган бизнес жараёнларни муқобиллаштириш моделларини амалиётга жорий этишни ташкил қилиш

Ишлаб чиқилган бизнес жараёнларни муқобиллаштириш моделларини амалиётга жорий этишнинг натижаларини баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш

Иқтисодий механизмни такомиллаштириш бўйича

Тўқимачилик корхонаси бизнес жараёнларини такомиллаштириш асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш

Баланслаштирилган кўрсаткичлар тизими (BSC)ни ишлаб чиқиш ва у ёрдамида корхона бизнес жараёнларини такомиллаштириш самарадорлигини баҳолаш

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган, импорт қилинадиган сунъий ва синтетик тола, жун, хомашё материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш

Корхона билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни доимий равишда молия-кредит ва солиқ имтиёзлари асосида муқобиллаштириш

1-расм. Тикув-трикотаж корхоналари бизнес жараёнлари ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш жиҳатлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, тўқимачилик саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигini бошқариш БКТ асосида BPM-технологиясини қўллашда фаолият таянч кўрсаткичлари (КРП)нинг доимий мониторингини олиб бориш бошқариш самарадорлигини оширишга, натижаларга асосланган ҳолда ривожланишга йўналишларини аниқлашда баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини ўзгартириш имкониятини беради.

Тўқимачилик корхоналарида бизнес-жараёнларни бошқариш механизми самарадорлигини оширишда диагностика ва назорат механизми муҳим ўрин тутади.

Чунки иштирокчи томонлар қизиқишилари ҳар хил бўлганлиги боис уларнинг ўзаро муносабатларида ихтилофлар юзага келадики, асосан, мулкдорлар билан менежерлар ўртасидаги юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараб этишда бошқарув самарадорлигини диагностика қилиш ва назорат механизмини такомиллаштириш зарур бўлади.

Назорат компанияни бошқаришнинг зарур қисми ва унинг мақсадларига эришишнинг зарур воситаси бўлиб, уни тўғри ташкил этиш молиявий йўқотишларнинг олдини олишда муҳим ролни ўйнайди. Тадқиқотчилар В.Карлин ва К.Мэйернинг (2000) фикрича, назоратнинг

қандайдир ягона тизими мавжуд эмас. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида муаллифлар Европа Иттифоқи мамлакатларида корпоратив назорат тизимларининг солиштирма таҳлилини келтирадилар. Уларнинг таҳлили акциялар овозга эга пакетларининг тахминан 5-10 %ини қоплади. Қамровнинг бунчалик паст улуши корпорациялар ва акциядорларнинг капитали тўғрисида ахборот олишнинг мураккаблиги билан боғлиқ. Европанинг аксарият мамлакатларида фонд биржасида рўйхатга олинган компаниялар акцияларни кўрсатувчи учун чиқарди, асл эгаларни излаш имкониятини амалда йўққа чиқаради. Лекин, ҳатто, эгаси номига берилган акциялар чиқариладиган мамлакатларда ҳам (Финляндия, Греция, Ирландия, Италия, Швеция, Англия) бу акциялар, одатда, номинал эгалик қилувчилар номига рўйхатга олинганлигини кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, тўқимачилик корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини оширишнинг муҳим механизмларидан бири назорат саналиб, у молиявий йўқотишларнинг олдини олишда асосий ролни бажаради. Шу боисдан ушбу механизмни такомиллашти-

риш долзарб масалалардан бири саналади. Ушбу масалани ҳал этишда яна бир бор хориж тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуласа ва таклифлар. Тикув-трикотаж саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини ошириш учун қўйидаги таклифларни берамиз:

- тикув-трикотаж саноати корхоналарида “бизнес-жараёнлар” харитасини ишлаб чиқиши асосида уни реинжиниринг технологиясини кўллаган ҳолда такомиллаштириш;

- тикув-трикотаж саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

- тикув-трикотаж корхоналарида тежамкор технологияларни жорий этиш;

- тикув-трикотаж корхоналарида самарали сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга қўллаш асосида рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида бизнес-жараёнлар ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
2. Экономика предприятия. Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. А.Е.Карлика, М.Л.Шухгальтер. – СПб., 2009. – 464 с.
3. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. / Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 479 с.
4. Деревянко О.В. Организационно-экономический механизм планирования бизнес-процессов предпринимательских структур. Дис. ... канд. экон. наук. / О.В.Деревянко. – СПб., 2004. – 156 с.
5. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. / Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 479 с.
6. Исаев Р. Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган комплекс тизимли стратегияни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт ва таълим. 2021. №. 4. С. 233-236.
7. Кучерова Е.Н. Структурирование проблем устойчивого развития машиностроительного предприятия. Учебное пособие. / Е.Н.Кучерова, К.С.Бармашов. – Вязьма: РИЦ ВФ ГОУ МГИУ, 2016. – 290 с.
8. Чаленко А.Ю. О понятийной неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях. / А.Ю.Чаленко. // Экономика промышленности. 2015. № 3 (51). С. 26-33.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЧАНЛИК ФАОЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эрматов Ғафур Холбаевич -
Тошкент давлат техника университети
мустақил изланувчиси



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a40

Аннотация. Мақолада ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида унган мосланувчанликни таъминлаш мақсадида ишчанлик фаоллигини баҳолаш услубини такомиллаштириш масаласи ўрганилган.

Таянч сўзлар: тикув-трикотаж корхонаси, фаоллик, ишчанлик фаоллиги, баҳолаш, усул, такомиллаштириш.